

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«PAYNET» АЖ Ягона акциядорининг
2025 йил 5 ноябрдаги Қарори билан



«PAYNET» АЖ Ягона акциядори номидан
«New Industrial Technologies» МЧЖ
Бош директори

А.Р. Асамов

2025 йил « 5 » 11

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги

Бош директорнинг биринчи ўринбосари



2025 йил « 25 » 11

Р1043-4 - сон

М.Ў.

«PAYNET» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАРИНИНГ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚАРОР

«PAYNET» Акциядорлик жамияти
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	4	P	1	0	4	3	T	5
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

508 187 420 (беш юз саккиз миллион бир юз саксон етти минг тўрт юз йигирма)
дона оддий эгасини номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар.

Бир дона акциянинг номинал қиймати – 500 (беш юз) сўм.

Умумий қиймати 254 093 710 000 (икки юз эллик тўрт миллиард тўқсон уч миллион
етти юз ўн минг) сўм.

Акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши тўртинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: «PAYNET» АЖ Ягона акциядорининг 2025 йил 5 ноябрдаги
27 - сонли Қарори билан «PAYNET» АЖ Ягона акциядорининг 2025 йил 5 ноябрдаги
27 - сонли Қарори асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани Шота Руставели кўчаси, 53 Б-уй

Почта манзили: 100100 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани Шота Руставели кўчаси, 53 Б-уй

Мулоқот телефонлари: +99871-202-07-07

Электрон почта манзили: info@paynet.uz

Бош директор



Бош ҳисобчи

Мухр

Исамухамедов Анвар Садикович

Комилов Ёдгор Комил ўғли

2025 йил « 5 » ноябрь

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):

Оддий акциялар.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **Хужжатсиз шаклда.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **500 (беш юз) сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **508 187 420 (беш юз саккиз миллион бир юз саксон етти минг тўрт юз йигирма) дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **254 093 710 000 (икки юз эллик тўрт миллиард тўқсон уч миллион етти юз ўн минг) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига таалуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- белгиланган тартибда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- жамият акциядорлари ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатлари ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Эмитент Уставида ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Эмитент акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорда, ушбу чиқарилишдаги барча акциялар ёпиқ обуна орқали Эмитентнинг ягона акциядори «New Industrial Technologies» МЧЖга жойлаштирилиши назарда тутилган (100% - 508 187 420 дона).

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **559 351 796 500 (беш юз эллик тўққиз миллиард уч юз эллик бир миллион етти юз тўқсон олти минг беш юз) сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Илгари ҳар бирининг номинал қиймати 500 (беш юз) сум бўлган 1 118 703 593 (бир миллиард бир юз ўн саккиз миллион етти юз уч минг беш юз тўқсон уч) дона ҳужжатсиз эгасининг номи ёзилган оддий акциялар жойлаштирилган.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Илгари жамият облигациялари чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): *(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар Эмитентнинг ягона акциядори «New Industrial Technologies» МЧЖга қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкил этилмаган (уюлмаган) бозорида ҳеч қандай фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузмасдан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштирилишни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштирилиш муддатини белгилаш тартиби).

Агар акцияларни жойлаштирилиш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).

Чиқарилаётган акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштирилишни бошлаш санаси: **Акциялар чиқарилуви қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейинги 6 (олтинчи) иш куни.**

Акцияларни жойлаштирилишни тугатиш санаси: **Ушбу чиқарилишининг сўнги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ, акцияларни жойлаштирилишни тугатиш санаси, мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштирилиш амалга ошириладиган бозорлар).

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштирилиш эмитентга акцияларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).

Акцияларни жойлаштирилиш Эмитент томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур чиқарилишдаги барча акциялар Эмитентнинг ягона акциядори New Industrial Technologies» МЧЖга 2024 йилнинг тақсимланмаган фойдасини капиталлаштириш ҳисобига қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкил этилмаган (уюлмаган) бозорида ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузмасдан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришга андеррайтерларни жалб этиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: «Қимматли қоғозлар марказий депозитарияси» акциядорлик жамияти;

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти.

Манзил ва почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй.

Телефон: (+99871) 211-09-09

Ҳуқуқларни қайд этадиган инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: «CAPITAL-DEPOSIT» масъулияти чекланган жамияти

Ташкилий -ҳуқуқий шакли: Масъулияти чекланган жамият

Манзил ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Оққўрғон кўчаси, 25-уй

Телефон: 71-286-20-31, 71-286-20-32

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).

Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар Эмитентнинг ягона акциядори «New Industrial Technologies» МЧЖга жойлаштирилаётганлиги сабабли имтиёзли ҳуқуқни қўллаш назарда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматида, яъни 500 (беш юз) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг жамият реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган

ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

Акцияларнинг қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Эмитентнинг 2024 йилнинг тақсимланмаган фойдасини жами 254 093 710 000 (икки юз эллик тўрт миллиард тўқсон уч миллион етти юз ўн минг) сўм миқдоридagi ўз маблағларини капиталлаштириш орқали бухгалтерия ҳисобида тегишли ёзувлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларининг қайтарилиши қуйидагича амалга оширилади:

Эмитент томонидан ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда муҳим фактлар (муҳим факт – 28: қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топил) ҳақидаги маълумот Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва Эмитентнинг расмий веб-сайтида (www.paynet.uz) белгиланган тартибда эълон қилинади.

Шунингдек, ушбу чиқарилишдаги акциялар тўловига йўналтирилган маблағлар ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Эмитент томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобида тегишли ёзувларни киритиш орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (қимматли қоғозларни чиқариш муҳим факти – 25) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ахборот-маълумот тизими манзили: www.paynet.uz, www.openinfo.uz

Акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли ва нусхаси билан қуйидаги манзил орқали танишиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани Шота Руставели кўчаси, 53Б уйда жойлашган “PAYNET” АЖ бош офисида.

13. Бошқа маълумотлар.

Кўзда тутилмаган.